

Шухрат Садиков

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ВА УНИНГ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада электрон тижоратнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти тадқиқ этилган. Шуниндек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришда электрон тижоратнинг ўрни ва улардан самарали фойдаланиш истиқболлари тадқиқ этилган. Амалга оширилган тадқиқотлар асосида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, электрон тижорат, модел, технология, савдо, савдо тизими, электрон тўлов тизимлари, интернет, web тизими, ривожланган давлатлар, ахборот майдони, мобил электрон тижорат.

Shukhrat Sadikov

E-COMMERCE AND ITS ROLE IN THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS ENTERPRISES

Abstract: This article describes the importance of e-commerce in the country's economy. Moreover, the role of e-commerce in the further development of small business and private entrepreneurship and the prospects for their effective use were also studied. Conclusions and recommendations are formed based on the research.

Keywords: small business, private entrepreneurship, e-commerce, model, technology, trade, trading system, electronic payment systems, internet, web system, developed countries, mobile e-commerce

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар замирида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ислохотлар таъсирида бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни; ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, аҳоли бандлиги таъминлаш билан бирга, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнларидаги фаол иштироки орқали намоён бўлмоқда. Истиқболда тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришга доир ислохотларни амалга ошириш зарурияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: “...пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт [1].”

Юқоридаги ҳолатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда анъанавий жараёнлар билан бирга

инновацион ривожланиш жараёнларига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатади. Албатта мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли шаклланиб бориши учун жамият фаолиятининг барча жабҳаларида хусусан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборотлашган жамиятни барпо қилиш, глобал Интернетга интеграцияни жадаллаштириш, электрон тижоратни ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида савдо фаолиятини янада ривожлантиришда электрон тижорат орқали амалга ошириш бизнес юритишнинг янги шакли эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Албатта биринчи навбатда электрон тижоратни ўзи нима эканлигини аниқлаштириш лозим булади, бу борада шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, "электрон тижорат" тушунчасига қатъий таъриф бериш бугунги кунда оддий иш эмас. Гап шундаки, бир томондан, оммавий ахборот воситаларида ва таниқли нашриётларда электрон тижорат маҳсулотларни Интернет орқали сотиб олиш, дея таърифланади. Иккинчи тарафдан, ихтисослаштирилган нашриётларда электрон тижоратнинг жуда кўп таърифлари келтириладики, уларда ушбу глобал ходисанинг у ёки бу хусусияти, қирралари қайд этилади. Умумий ҳолда бу ерда "электрон" ва "тижорат" сўзларини ташкил этувчилари бугунги кун ҳисоби билан қандай маъно англатишини билиб олиш лозим. Электрон тижорат тушунчаси остида товар буюртмасини қабул қилиш, тўловни амалга ошириш, товар (хизмат бажарилиши) етказиб берилишидаги бошқарувда қатнашувни ўз ичига олувчи операцияларнинг (амаллар) ёпиқ цикли технологияси тушунилади. Ушбу амаллар (операциялар) ахборот технологиялари ва электрон воситалар ёрдамида ўтказилиб, эгалик қилиш ёки ишлатиш ҳуқуқини бир юридик (жисмоний) шахсдан иккинчисига ўтиши таъминланади.

Келтирилган таъриф электрон тижоратнинг "идеал" тушунчасини ёки бошқа сўзлар билан электрон тижорат тизимларини ташкил этишда интилиши лозим бўлган мақсадни ўзида акс эттиради. Ҳақиқатда бугунги кунда фақат такомиллашган электрон тижорат тизимларигина барча тижорат келишувлар тўлиқ жараёнларини (операциялар) электрон йўл билан амалга оширилишини таъминлайди. Кейинчалик биз шунга амин бўламизки, электрон тижорат синфига кирувчи деб қабул қилинган тизимларнинг асосий қисми амаллар (операциялар) бажарилишининг электрон ва одатий усуллари, масалан, товар ва хизматлар тўловини ўз ичига олади. Юқорида келтирилган таърифда "савдо" ва "Интернет" сўзлари йўқ бўлишига сабаб шуки, электрон тижоратда савдо хусусий ҳолат ва Интернет электрон тижоратни киритиш бўйича ахборот технологиялари воситаларидан бири ҳисобланади.

Сўнги йиллар ҳисоб-китобларига кўра, АҚШда электрон тижорат ҳажми 270 миллиард доллардан ошиб кетган. Россия ва МДҲ давлатларида

On-line бизнеснинг товар айланиш ҳажми ҳали унчалик катта эмас. Экспертларнинг баҳолашича, сўнгги йилларда у 47 миллиард долларга тенглашган бўлса-да, ўсиш суръати йилига 40-60 фоизни ташкил этмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Бу борада иқтисодиётимиз олдида турган муаммоли жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3697-сонли қарорида атрофлича ақс этган бўлиб, мамлакатимизда инновацион тадбиркорликни оммалаштириш ишларини самарали ташкил этиш жараёни тизимлаштирилган. Инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишга ва илгари суришга жалб қилишда техник ва психологик тўсиқларнинг мавжудлиги эътироф этилган бўлиб, бу бора мавжуд муаммоларни бартараф этиш жараёнига устуворлик берилади [Қарор. 2018. 2].

Интернет тармоғи пайдо бўлгунча бир неча йиллар давомида электрон тижорат турли хил маълумотларни узатиш электрон тизимларига асосланган. EDI (Electronic Data Interchange - маълумотлар электрон алмашинуви), EFT (Electronic Funds Transfer-фондларнинг электрон алмашинуви), E-Mail (Electronic Mail - электрон почта) электрон тижорат тизимларининг бутун бир қаторида юқоридаги маълумотларни алмашиш ташкилий усулларида хозирда ҳам фойдаланилади [2018. 3]. Интернет электрон тижоратнинг бутун дунё бўйича тарқалиши учун энг истиқболли восита бўлишига қарамасдан, электрон тижорат ривожланишининг ахборот технологиялари нуқтаи назаридан бу восита оптималлик ўрнини эгаллай олмайди. Бироқ айнан глобал тармоқ электрон тижоратнинг ривожланишига қаттиқ туртки берди ва у катта корпорацияларгагина эмас, балки кичик ва ўрта тадбиркорларга ҳамда алоҳида шахсларга ҳам фойдаланиш имкониятини берди. Бу билан маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг тобора кенгроқ доирасини электрон тижоратга жалб этиш мумкин бўлди. Электрон тижорат кундан - кунга товар ва хизматлар ассортиментини ошира бошлаган сари алоҳида шахсларни, корхоналарни, соҳаларни, давлат муассасаларини ва ниҳоят давлатларни бир ҳамжамиятга бирлаштириб, ҳамкорларнинг ўзаро таъсири ахборот ва телекоммуникацион технологиялар ёрдамида самарали ва тўсиқларсиз келишувларга эришишига имкон берди [2015. 5].

Электрон тижорат ўз-ўзидан маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш ва етказиб бериш шартномаларини тузишда иккита: моддий ва номоддий оқимлар, оқим хизмати билан боғлиқ: Номоддий оқимлар номоддий товарлар (дастурий таъминот, бино лойиҳалари ва б.) ни тўғридан - тўғри тармоқли узатиш, моддий хизматлар (транспорт чипталари, меҳмонхоналарда хоналар ва х.з. буюртмаси)нинг тўғридан - тўғри тармоқли бажарилиши, ҳамкорлар (мижозлар, буюртмачилар, етказиб берувчилар, субпудратчилар, банклар ва б.) билан молиявий тармоқли ҳисоботлар, моддий хизматларни етказиб

беришни ахборот ва телекоммуникацион қўллаб - қувватлаш натижасида юзага келади. Бундай оқимлар у ёки бу виртуал тижорат фаолияти натижасида умумий оқимларнинг сезиларли, баъзида эса жуда катта қисмини ташкил этади. Табиийки, номоддий оқимларга хизмат кўрсатишда электр воситаларнинг ишлатилиши иш жараёнларини тезлаштиришга, оқибатда, электрон тижоратнинг ривожланишига олиб келади.

Ушбу мақолада инсоният тараққиётининг бугунги босқичида ахборот ва интернет технологиялари иқтисодий юксалишнинг муҳим фактори сифатида ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг жорий этилмоқда. Шу боис, электрон тижорат ривож топиб, глобал иқтисодий фаолликнинг асосига айланмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш ҳозирги кунда кўпчилик давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурининг асосий мазмунини ташкил этади.

Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, маҳсулотларнинг савдо жараёнларини қўллаб-қувватлашни, жараёндаги электрон тўловларни ҳар томонлама қулай амалга ошириш устувор аҳамият касб этади. Электрон тижоратдан тўғри фойдаланиш, унинг самарасини янада ошириш, электрон тижорат жараёнларини сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Электрон тижорат асосий фойда берадиган жиҳати у иқтисодий самарадорликни оширади. Иқтисодий самарадорликни оширишда электрон тижоратнинг қуйидаги жиҳатлари билан ёрдам беради:

- Электрон тижорат орқали вақтни анчага тежаш;
- Электрон тижорат иштирокчиларининг фаолиятини тезкор ва анча тежаш имкониятини беради;
- Глобал ахборот алмашишнинг кам харажатли усули ҳисобланади;
- Анча кам харажатли усуллардан ҳисобланади;
- Истеъмолчиларга кам харажат ва кам вақт ҳамда қулайлик билан хизмат кўрсатиш имкониятини беради.

Юқоридаги сабаблардан кўриш мумкинки, электрон тижорат харажатларни асосан камайтиради ва харажатларни пасайишига таъсир қилади. Бозор иқтисодиётида фирмалар иқтисодий самарадорликни оширишга ҳаракат қиладилар. Бу нарса электрон тижоратга эҳтиёжни янада ортди. Тўлов тизмларнинг ўзгариши ҳам электрон тижоратнинг ривожланишига анча таъсир қилди. Иқтисодда пул массасининг ошиши, пул ҳаракатининг тезлаши, пулнинг ҳаракат географиясининг кенгайиши электрон тўлов системаларига эҳтиёжни яратди. Ҳозирда АҚШ да мавжуд пулларнинг 90% ига яқини электрон кўринишга эга. Бундан кўриниб турибдики, электрон тўлов системаларга талаб электрон тижоратнинг ривожланишига сезиларли таъсир қилди.

Электрон тижорат анъанавий иқтисодий фаолиятга нисбатан бир қатор устунликлар эга. Бу фарқни бир қанча параметрларни таққослаш орқали


сезиш мумкин. Анъанавий усулда иқтисодий фаолият олиб бориш онлайн режимда иқтисодий фаолият олиб боришдан кўра анча қимматлиги сезилади.

Электрон тижорат ёрдамида куйидаги масалаларни ечиш мумкин:

- Мижозлар, мол етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан веб тизими орқали алоқа ўрнатиш;
- Савдо битимларини амалга ошириш учун керакли хужжатларни электрон кўринишда айирбошлаш;
- Товар ва хизматлар сотилиши ва етказиб берилишини назорат қилиш;
- Товар рекламаси ва хариддан кейинги қўллаб -қувватлаш;
- Харид учун электрон тўловни амалга ошириш.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда замонавий компьютер технологиясидан самарали фойдаланиш жиҳатига эътибор қаратадиган бўлсак, мазкур тармоқ яъни хизматлар бозори бугунги кунда жадал суръатларда ривожланиб бормоқда, мазкур 1-диаграммадан кўриниб тургандек, мамлакатимизда электрон савдони амалга ошириш жараёнларининг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда, яъни 2019 йилда жами товар айланмаси 259 417,2 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 319 969,9 млрд.сўмни ташкил этган шундан жами электрон савдонинг кўрсаткичи 93 322,8 млрд.сўмни ташкил этган, 2020 йилда эса бу кўрсаткич 120 451,1 млрд.сўмни ташкил этмоқда, бу эса тармоқни янада ривожланаётганлигини кўрсатиб турибди.



1-расм. Электрон тижоратнинг чакана ва улгуржи савдо динамикаси (млрд. сўм)¹

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, электрон тижорат мамлакатнинг ички ва ташқи савдо хажмларини янада ортишида асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

¹ www.stat.uz асосида тузилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, бу имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларни янада такомиллаштириш, ҳар бир масалага алоҳида эътибор билан ёндашиш корхона фаолиятини янада ривожлантириш ва иқтисодий самарага эришиш учун муҳим замин яратади. Электрон тижорат керакли ресурслар оқимини самарали бошқаришда, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишда, фаолиятларини олиб боришда вақтдан ютишда, миқдорлар билан ишлашда информацион тўсиқларни бошқаришда энг асосий инструмент ҳисобланади. Ҳозирги кескин рақобат шароитида ҳар бир бизнес фаолиятини олиб бораётган субъектлар электрон тижорат имкониятларидан фойдаланишга мажбур. Ҳозирда электрон тижорат ёрдамида бўлғуси миқдорлар, мол етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан web тизими орқали алоқа ўрнатиш, савдо битимларини амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни электрон кўринишда айирбошлаш, товар ва хизматлар сотилиши ва етказиб берилишини назорат қилиш, товар рекламаси ва хариддан кейинги қўллаб-қувватлаш ва харид учун электрон тўловни амалга ошириш масаларини арзон ва қулай амалга ошириш мумкин.

Замонавий технологияларни бизнес субъектларида жорий қилиш ва келгусида ривожлантириш жараёнида кичик корхона маблағларини тежаш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш ва савдо жараёнлари самарадорлигини ошириш имконини беради. Мамлакат иқтисодиётини глобал модернизациялаш шароитида бизнес субъектларининг асосий эътиборини ушбу масалага қаратиш лозим.

Электрон тижоратнинг мақсади ахборот тизимада ахборотни тезкор айланишини, умумий фойдаланишдаги тармоқлар орқали транзакцияларни ўтказиш билан боғлиқ бўлгани боис, унинг истиқболи бизнес субъектлари томонидан харидорларга ишончли ва кафолатланган хизматларини кўрсата олишига бевосита боғлиқдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар аниқланди, электрон тижоратнинг пайдо бўлиши ва унинг моҳиятини ёритиш, электрон тижоратнинг ривожланишида бозорининг структураси ўрни ўрганиш, иқтисодиётда электрон тижорат системасининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ўрганиш, электрон тижорат ривожланишининг ҳолати таҳлил этиш каби вазифаларни хал этиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2020 yil 29 dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasi. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 5 maydagi “Faol tadbirkorlik va innovasion faoliyatni rivojlantirish uchun shart-sharoitlarni yaratish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-3697-sonli Qarori
3. Nir Vulkan. Elektronaya kommersiya. M.: «Internet-treyding», 2018 g.- 296 s.

4. M.S.Yakubov, D.B.Yuldashev Modernizasiya ekonomiki na osnove elektronnoy kommersii. Axborotnoma № 2 (14), 2013. O‘zbekiston Respublikasi bosh prokurasining oliy o‘quv kurslari axborotnomasi. 39-43 b.
5. Yakubov M.S. Elektron tijorat mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining yetakchi faktori. ISSN 2181-5011. Vestnik № 2 (22), 2015. O‘zbekiston Respublikasi bosh prokurasining oliy o‘quv kurslari axborotnomasi. 14-19 b.
6. www.stat.uz. - ma'lumotlaridan olingan